



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 30 июль, № 154 (9049)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 июль куни маиший коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Бу жудаям долзарб, кўпчилик аҳолига дахлдор масала. Чунки коррупциявий ҳолатларнинг 75 фоизи шаҳар ва туманларда маиший шаклда бўляпти.

Шу боис 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида бу иллатга барҳам бериш вазифаси қўйилган эди. Шу мақсадда Президентнинг 21 апрелдаги Фармони билан Бош прокуратурада коррупция омиллари ташхил қилиш бўлими ташхил қилинди. Худудларга мунтазам чиқиб, бундай омиллар ўрганиб борилмоқда.

Прокуратура тизимидаги Хукукни муҳофаза қилиш академияси ва илмий-тадқиқот марказида 200 дан ортқ мутахассислар илм ва тахил билан шугулланяпти. Умуман, ҳуқуқ-тартибот идоралирида 100 мингдан зиёд ходимлар коррупциянинг олдини олиш бўйича ишляяпти.

Лекин кўп ҳолларда бу иллатнинг сабаблари четда қолиб, оқибати билан курашляяпти. Коррупцияга йўл қўймайдиган превентив чоралар ҳали етарли эмас. Хар куни одамларнинг иши тушадиган ҳокимлик, кадастр, банк ва солиқ идораларида бюрократия, “коррупциявий тўйнуқлар” тўлиқ йўқолгани йўқ.

Тақдимотда шу борадаги қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Ўртимизда 43 та назорат идораси бор. Ҳамма вазирликларда комплаенс назорат бўлимлари ташхил этилган. Аввало, уларнинг самарадорлигини оши-

риш вазифаси қўйилди. Вазирлик ва идоралар ҳузуридаги инспекцияларнинг бу борадаги фаолиятига ҳам танқидий муносабат билдирилди.

Президентимиз коррупциянинг фақат камайгани эмас, қанчасининг олди олинганига қараб, давлат идоралари фаолиятини баҳолаш кераклигини таъкидлади.

Ер ажратиш бўйича шаффоф тизим жорий қилинган. Лекин жойларда бу борада ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳалигача учраб турибди. Шу боис кадастр, “Ўзбеккосмос”, қурилиш ва бошқа тегишли ташкилотлар маълумотларини таххил қилиб, бундай ҳолатларга бутунлай чек қўйиш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Прокуратура тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва барча соҳалар устидан “рақамли назорат” ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида парламентнинг масъул кўмиталарига маҳаллагача тушиб, коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, давлат харидларида тўғридан-тўғри шартномаларни камайитириш, ёшлар ўртасида коррупцияга мурасасизлик муҳитини шакллантириш каби долзарб масалаларда тавсиялар берилган эди.

Тақдимотда бунга масъуллар бажарилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Бу ҳақда шу йил 21 февраль куни бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг йиғилишида топириқ берилган эди. Шунга мувофиқ 20 дан ортқ хорижий давлатларнинг соҳага оид илгор тажрибалари ўрганилиб, ҳарбий таълимни ислох қилиш бўйича янги миллий модель ишлаб чиқилди.

Таклифга кўра Қуrolли Кучлар Академияси ислох қилиниб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташхил этилиши кўзда тутилмоқда. Мудофаа вазирлигининг барча ҳарбий таълим муассасалари — 5 та институт, Сержантлар тайёрлаш олий мактаби ҳамда Авиация ва учувчисиз учиш аппаратлари мутахассисларини тайёрлаш маркази институт мақомида мазкур университет таркибига ўтказилади. Бу марказлашган вертикал тизимни ҳосил қилиб, қўшинларнинг жанговар салоҳиятини ошириш, дуал таълимни кенгайтириш, илмий тадқиқотларни амалиётга таътиқ этишга хизмат қилади.

Масалан, Сержантлар тайёрлаш олий мактабида армиянинг асосий таянчи бўлган сержантларни ўқитиш, уларда етакчилик қобилиятини шакллантириш, замонавий қуrolлар ва тактик усуллар бўйича кўникмаларини оширишнинг янги тизими жорий этилади.

Янгиликлардан яна бири — тор доирадаги ихтисосликлар бўйича “2+2” тар-

тиби йўлга қўйилиши. Яъни психолог, алоқачи, таъминотчи, омборчи каби 18 хил ёндош соҳа мутахассислари бошқа олий таълим муассасаларининг 2-босқич талабалари орасидан саралаб олинади.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб, битирувчи босқич курсантлари учун танлов асосида “Олий Бош Қўмондон” давлат стипендияси жорий этилади. Мазкур стипендия соҳиби бакалавриятни таоммлаганидан сўнг 5 йил мобайнида олий ҳарбий таълим муассасаларининг магистратурасига имтиҳонларсиз қабул қилинади.

Яна бир эътиборли жиҳати, эндиликда олий ҳарбий таълим муассасаларининг 36 та таълим йўналиши битирувчилари бирийўла иккита диплом — фуқаролик ва ҳарбий касбга мўлжалланган мутахассислик эгаси бўлади. Бу уларнинг ҳарбий хизматдан кейин ҳам фаол ишлаши имконини беради.

Ушбу ислохотларга яраша ҳарбий педагогларни танлашга ҳам талаб кучаяди. Жумладан, ҳарбий педагогларни етакчи хорижий давлатларда ўқитиш тизими йўлга қўйилади.

Тақдимотда ушбу таклифлар маъқулланди ва уларни амалиётга самарали таътиқ этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

Қадрли ватандошлар!

Мамлакатимизда ягона ва аҳил оила бўлиб яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари бўлган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун халқимизни 30 июль — Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Хеч шубҳасиз, юртимиз заминида қадимги даврлардан буён давом этиб келаётган этник хилмаҳиллик ноёб ижтимоий ҳодиса бўлиб, бугун — Янги Ўзбекистон шароитида янги маъно-мазмун ва аъналарга эга бўлиб бораётгани диққатга сазовордир.

Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган Ватанимиз айнан шу асосда инсон қадрли ва бахти улуғланадиган том маънодаги тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибат диёрига айланиб бормоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўйиласиз.

Мухтарам дўстлар!

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлган миллатлараро муносабатларни ривожлантиришни биз юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб олдик ва бу борада улкан ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Авалло, соҳага доир давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиб, унинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланди.

Энг муҳими, бу йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўрта-

сида самарали ҳамкорлик ўрнатилиб, уларнинг имкониятлари бирлаштирилиб, тизимли ва кенг миқёсда иш олиб борилмоқда.

Биргина мисол — мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 157 та миллий маданий марказ, 42 та дўстлик жамияти ва хориждаги 100 дан ортқ ватандошлар жамоат бирлашмалари давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда юртимизда дўстлик ва бағрикенглик муҳити, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигини мустаҳкамлаш, чет эллар билан маданий-маърифий алоқалар, халқ дипломатиясини хар томонлама ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватлаш натижаларга эришмоқда.

Биз ўзининг ҳалол меҳнати, ватанпарварлик фазилатлари билан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга бекиёс хисса қўшиб келаётган турли миллатга мансуб юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар давлат ва жамоат ташкилотларида турли масъул лавозимларда чин дилдан меҳнат қилишмоқда, фидокорона хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишмоқда. Уларнинг орасида депутат ва сенаторлар, таниқли ишлаб чиқариш вакиллари, тадбиркорлар, таълим, тиббиёт, илм-фан, маданият, адабиёт, санъат ва спорт намояндалари борлигини барчамиз яхши биламиз.

Ўз тақдир ва келажагини Ўзбекистон билан боғлаган бундай олийжаноб юртдошларимиз тарихий ватанлари билан мамлакатимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ало-

қаларини мустаҳкамлашда ҳам алоҳида намуна кўрсатишмоқда.

Миллий маданий марказларнинг барчамиз учун умумхалқ байрамларига, гўзал қадриятларга айланиб кетган Наврўз ва Мустақиллик тантаналари, бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда доимо фаол иштирок этиб келишяётгани ҳам таъсирга лойиқдир.

Барчамиз биргаликда нишонлаётган бугунги байрам — Халқлар дўстлиги куни ҳам халқимизнинг тинчлик, дўстлик ва эзгулик гоёлари муҳассам бўлган бой маданияти, урф-одат ҳамда аънааларини яққол намоиш этиш учун яна бир катта имконият эканини таъкидлаш лозим.

Сўнгги йилларда қатъий сиёсий иродамиз билан минтақамиздаги қардош давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилиб, дунё сиёсатида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора ва воқелик пайдо бўлгани барчамизнинг умумий ютуғимиз, десак, тўғри бўлади. Бу ҳақда гапирганда, шу йил март ойда Ўзбекистон — Қирғизистон — Тожикистон чегаралари ўзаро туташган нуқтада “Дўстлик” стеласи ўрнатилгани ўртамиздаги яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганидан яна бир ёрқин далолатдир.

Хурматли юртдошлар!

Дунёнинг турли минтақаларида миллий ва диний асосда турли низолар давом этаётган ҳозирги ўта тахликали шароитда ягона Ўзбекистон гоёси асосида энг катта бойлигимиз — юртимиздаги осойишталик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат

ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, билим-маърифат, касб-хунарлар эгаси этиб тарбиялаш, инклюзивлик тамойилларини чуқурлаштириш борасидаги ишларимизни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланадиган барча миллат ва конфессиялар вакиллари ҳамда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини Конституция ва қонунларимиз талаблари асосида ҳамма жойда қатъий ҳимоя қилиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Сиз, азизлар Ватанимизнинг иқтисодий ва ижтимоий қудратини ошириш, халқро миқёсдаги обрў-эътиборини оқсалтириш йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилиб, бутун куч-гайратингиз, билим ва тажрибангиз, истеъод ҳамда маҳоратингизни, касбий ва инсоний салоҳиятингизни тўла намоён этасизлар деб ишонаман.

Барчангизни бугунги шукўҳли байрам билан яна бир бор қизгин табриқлайман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, мамлакатимиз равнақи йўлидаги олийжаноб фаолиятингизда янги зафарлар, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Барчамиз учун ягона Ватан бўлган жонажон Ўзбекистонимиз доимо омон бўлсин, ҳамиша гуллаб-яшнасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

30 июль — Халқлар дўстлиги куни

ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ – ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Халқимизнинг “Дарахтни томири сақлар, одамни — дўсти” деган ҳикмати замирида чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассам. Дарахтга илдизи униб-ўйиши учун озуқа етказиб берганидек, дўст ҳам инсонга ҳаётда ўз ўрнини топиши, адашиб қоқилмаслиги, юксалиши учун тирак бўлади. Хар доим ёнида туриб, руҳан қўллаб-қувватлайди, куч беради.

Хар бир инсон — жамиятнинг бир бўлаги. Шу боис кишилар ўртасидаги муносабатлар, алоқалар бутун бошли жамият ҳаётда акс садо беради. Унинг барқарорлигини таъминлайди ёки аксинча...

Кўҳна тарих шуни исбот этадики, қайси жамиятда инсонлар ўртасида ўзаро тушуниш, дўстлик муҳити устувор турса, ўша ерда тотувлик, тинчлик ва хотиржамлик барқарор бўлади. Тараққиёт, фаровонлик, юксалиш юз беради.

Шу боис БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига мувофиқ 30 июль — бутун дунёда Халқаро дўстлик куни сифатида нишонланади. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳам ушбу сана “Халқлар дўстлиги куни” деб белгиланган ва ҳар йили



умумхалқ байрами ўлароқ кўтаринки руҳда ўтказиб келинмоқда.

Дараҳқиқат, мамлакатимизда жамиятнинг турли қатлами ва тузилмалари ўртасидаги ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва дўстликини мустаҳкамлашга энг катта бойлик, барча ютук ва марраларимизнинг мустаҳкам асоси сифатида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси ва оқилона ташқи сиёсати тўғрисидаги маҳкам қарарлари, хусусан, қўшни давлатлар билан алоқалар бутунлай янги босқичга кўтарилди. Марказий Осиёда самимий дўстлик, ишонч асосланган ҳамкорлик муҳити яратилди.

Ватанимизда халқлар дўстлигининг барқарорлиги муштарак мақсад йўли-

да бирлашган турли миллат ва элат вакилларининг орзу-мақсадларини рўёбга чиқариб, бахтли, фаровон яшашида муҳим ўрин тутмоқда.

Буни махсус саҳифамизда ҳавола қилинаётган фикр-мулоҳазалар, дил сўзларидан ҳам яққол англаш мумкин.

2 ва 3-саҳифаларга қаранг. ➡

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШЛАР СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Женева шаҳрида Парламентлараро Иттифоққа аъзо мамлакатлар парламентлари аёл спикерларининг 15-саммити доирасида қатор нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Ташаббус

Жумладан, Парламентлараро Иттифоқ раиси Тулия Эксон билан ўтказилган учрашув давомида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган рақамлаштириш, гендер тенгликни таъминлаш, ёшлар сиёсати ва экологик барқарорлик каби йўналишлардаги ташаббуслар юқори баҳоланди.

Сўхбат чоғида ёшлар ва хотин-қизлар масалаларига алоҳида эътибор

қаратилди. Хусусан, ёшларни парламент фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича янги дастурларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Сенат Раиси Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташхил этиш гоёси илгари сурилганини эсла-тиб ўтди ва 2026 йилда Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал конференциясига Ўзбекистон мезбонлиги қилишга таяёр эканини билдирди.

Шунингдек, Сенат Раиси ПИ Бош котиби Мартин Чунгонг билан ҳам учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Парламентлараро Иттифоқ ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур шериклик йилдан-йилга тобора жадал ва самарали туш олаётгани алоҳида қайд этилди.

Томонлар келгуси йилда мамлакатимизда бўлиб ўтиши кутилаётган Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал конференциясининг ташхиллий жиҳатларини муҳокама қилди.

Шу билан бирга, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентлараро ҳамкорликка баъмишланган 3-глобал форумни Ўзбекистонда ўтказиш ташаббуси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ВА ХАЛҚЧИЛ НОРМАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини халқро стандартлар даражасида таъминлаш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, таълим хизматларини кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги халқро стандартлар даражасида таъминланади, бюрократик тўсиқлар бекор қилинади

Мажлисида “Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, принциплари, давлат органла-

рининг ушбу соҳадаги ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги бўйича санитария чоралари, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш тартиби халқро қоида ва нормалар билан уйғунлаштириляётир.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, қадоклаш, ўраш ва тамғалаш, кузатилишини таъминлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилишга қўйиладиган умумий талаблар, ушбу соҳада фаолият юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

➡ 5

ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ

Барҳаёт сатрлар

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири

ДЎСТЛИК

*Биз битта дарахнинг шохчаларимиз,
Бир боғнинг туташган боғчаларимиз.
Замин қошотда бир тоғ бўлса, биз —
Бир-бирин суяган тоғчаларимиз.*

ВАТАНДОШ

*Магар бир лагандан ош еган билан,
Ёки битта тилда сўз деган билан,
Улар ҳали буткул елкадош эмас.
Тўғри келса агар дили дилига,
Садоқатли бўлса туққан элига,
Улар ватандошдир ҳар зум, ҳар нафас.*

ХАЛҚ

*Дунёда мантқиқсиз ҳеч иш бўлмайди,
Томчи йиғилмаса жом ҳам тўлмайди.
Биз томчи эрурмиз, халқ эса уммон,
Халқ ўлмас, томчи ҳам демак, ўлмайди!*

Шукух

Павильонларда ҳаёт нафаси

Мамлакатимизда 30 июль — Халқлар дўстлиги кuni муносабати билан ташкил этилган «Дўстлик» фестивали доирасида миллий маданий марказлар павильонларининг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, дипломатик корпус ва халқро ташкилотларнинг мутасаддилари, миллий маданий марказлар фаоллари қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизда турли миллат ва элатларнинг ўзаро ҳамжиҳат, тотув, ягона оила фарзандидек истиқомат қилиши учун барча шарт-шароит яратилгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хорихдаги ватандошлар масалалари бўйича кўмитасига туташ ҳудудда барпо этилган павильонлар юртимиздаги халқлар дўстлиги ва бағрикенглик муҳитининг яна бир яққол ифодасидир.

Миллий маданий марказлар учун тикланган файзли павильонлар турли миллат ва элатларнинг аънаналари, урф-одатлари, тарихи, маданиятини инобатга олган ҳолда яратилган. Бу ерда кўп миллатли Ўзбекистон халқининг аънана ва қадриятларини раванқ топтириш учун барча имконият бор.

Очилиш маросимида миллий маданий марказлар бадийий жамоаларининг концерт дастури намойиш қилинди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Руслан Давлетов иштирок этди.

«Халқ сўзи».



«Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони»

Виктор ПАК,
Республика корейс миллий
маданий маркази раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Ватанимиз мадҳиясидаги «Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони» деган сатрни ҳар сафар айрича меҳр билан, кўзга ёш олиб куйлайман. Бу бежиз эмас.

Ўзбекистонга корейслар 1937 йилда келган. Собиқ иттифок даврида бу миллат вакилларининг 80 минг нафарини поездга юклаб, бир ой мобайнида Ўзбеклар юртига олиб келишган. Бошпанасиз корейсларга ўзбек халқи уйининг тўридан жой берди, бир бурда нонининг ярмини баҳам кўрди. Бу ҳақда болалигимда буювдан жуда кўп ҳикоялар эшитганман. Бувам ўзбек халқининг бағрикенглиги ва очикқўлчилигини миннатдорлик билан эслар эди. Орадан саксон саккиз йил вақт ўтди.

Бу давр мобайнида ўзбек ва корейс халқлари бир оиладек яшаб, яхши-ёмон кунларни бошидан кечирди. Бироқ икки халқ иноқлигига кўз тегмади, аксинча, дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланди.

Мен икки ойлигимда давр тақозоси туфайли ота-онам қарамоғидан айрилганимда, қўшимиз бўлган Тўхтаҳон опа оналик сути билан етти ой давомида парваришлаган. Тўхтаҳон опанинг ўғли Махмуджон билан кўкалдош бўлиб, ака-ука тутинганмиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 180 минг нафарга яқин корейслар доимий яшайди. Ҳар бир миллатдошим Ўзбекистонни она Ватани деб билади. Ватанимиздаги корейс халқининг 137 нафари ўзбеклар билан елкама-елка кетмон чопиб, пахта териб, меҳнат қилиб қаҳрамон унвонига сазовор бўлди.

2021 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан

Халқлар дўстлиги кунини белгилаш бўйича Қонун қабул қилинди. Дунёнинг бирорта мамлакатига бундай сана йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати ўлароқ, Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида миллий маданий марказларнинг бўлимлари қошида миллий тил, урф-одат ва қадриятларни ўргатиш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилувчи тўғарак ва машғулотлар ташкил этилган. Бу, шубҳасиз, юртимизда олиб борилаётган тенглик сиёсатининг амалий ифодасидир.

Ҳамма халқлар Ўзбекистонимизда ака-укадек, опа-сингилдек, гўё эту тирноқдек яшаб келмоқда. Уларнинг барчаси янгиланаётган Ўзбекистонни «Менинг она Ватаним!» деб хизмат қилмоқда. Мана шу метин сафда мен ҳам борлигимдан фахрланаман!

Оғзибирчиликни тараннум этаётганимдан фахрланаман



Гулбаҳор АХИМБЕТОВА,
Қорақалпоғистон халқ бахшиси,
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти Нукус
филиалининг кафедра мудири,
профессор, «Дўстлик» ордени
соҳиби:

— Кўп миллатли мамлакатимизнинг ажралмас бир бўлаги бўлган Қорақалпоғистон Республикасида 50 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, бир оила фарзандларидек умргузаронлик қилмоқда.

Юртимизда барча миллатларнинг урф-одатлари ва аъналарига ҳурмат

кўрсатилиб, уларнинг яшаб, меҳнат қилишлариға муносиб шароитлар яратиб беришга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратиб келинади. Айниқса, кейинги йилларда қорақалпоқ элига кўрсатилаётган ғамхўрлик мисли қўрилмаган кўлам касб этди.

Оролбўйидаги экологик инқироздан бугун бутун дунё хабардор. Бу ердаги ҳайвонот ва наботот оламини тиклаш, сув танқислигини бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, туپроқ унумдорлигини ошириш ҳамда бошқа муаммоларга ечим топишда мамлакатимиздаги ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик муҳити муҳим ўрин тутмоқда. Юртимиздаги вилоятлар Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бир туманига масъул қилиниб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Қорақалпоғистонлик ёшларга берилаётган эътибор ҳақида эса тўқилганиб гапириш мумкин. Бутун мамлакатимиз ёшларига қараганда ҳам бу ердаги йигит-қизларнинг таълим олиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун алоҳида имтиёзлар жорий қилиниди, бу мен каби навқирон авлод вакиллариға ўз истеъдодини намоён этиши учун қанот бўлмоқда.

Турли танлов ва фестивалларда совриндорлар қаторидан жой олдим. Санъат йўналишида илмий изланишлар ҳам олиб боришман. Яқинда «Қорақалпоқ халқ аънавий кўшиқлари» номли ўқув кўлланма нашрдан чиқди. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида тахсил олаётган кўплаб ёш санъаткорларга бахшичиликни ўргатиб келмоқдаман.

Демокриманки, яратилган шароитлар натижаси ўлароқ оддий қорақалпоқ қизи бугун нафақат юртимиздаги, балки жаҳон сахналарида миллий кўй-қўшиқларимизни ижро этмоқда. Малайзия, Франция ва Испания каби давлатларда ўтказилган халқро танловларда фаол қатнашиб, диплом ва сертификатлар билан тақдирланаётганимда шу юртда туғилиб, ижод қилаётганимдан яна бир бор ифтихор туяман.

Эътиборлиси, кўп миллатли халқ эканлигимиз. Биз ҳар бир маҳаллада, ҳатто оилаларда ҳам бир неча миллат вакиллари аҳил-инок яшаётганиға гувоҳимиз. Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» широри остида байрам тадбирлари уюштирилмоқда. Ана шундай тадбирларда устоз санъаткорлар қатори мен ҳам қатнашиб, Ўзбекистонда яшаётган халқлар ўртасидаги дўстлик ва оғзибирчиликни тараннум этаётганимдан фахрланаман, албатта.

Ватан, халқ ва дўстлик учун!

Ортиқбой ҚУРБОНБОЕВ,
«Халқлар дўстлиги» кўкрак
нишон соҳиби, меҳнат
фахрийси (Тошкент вилояти):

— 1964 йилда Тошкент қарори билан институтта ҳукумат вилоятининг Урта Чирчиқ туманидаги мелиоратив ҳолати ёмон, зах, тўқай, нотекис, паст ҳосилиди 2456 гектар ер ўқув-таъриба хўжалиги сифатида ажратиб берилди. Ўзим Қибрайда туғилганман, бироқ «Халқ учун!» дея шу ерда ишлаш бошладим. Орадан бир йил ўтиб, 1965 йилда ҳозирги «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетини инженер-гидротехник мутахассислиги бўйича тамомладим-у, тақдирим бу хўжалик билан чамбарчас боғлиганиб кетди.

Янги ташкил қилинган ўқув-таъриба хўжалигига бош инженер-гидротехник вазифасида ишлаш осон эмас эди. Айниқса, зах ва тўқай ерларни ўзлаштиришнинг захмати

кўпчиликнинг тинқасини қуритиб юборарди. Бироқ бир мен эмас, мен билан бирга миллатдошларим бўлган қозоқлар, ўзбеклар, корейслар, қирғизлар, татарлар биргаликда, бир мушт бўлиб меҳнат қилар эдик.

Кейинги йилларда халқ депутатлари Урта Чирчиқ тумани Кенгаши депутати сифатида ҳам халқ хизматига камарбаста бўлдим. Биз ўзлаштирган ҳудудлар бугун мана шу қадим туманнинг муаззам маъмурий марказига айланган. Орадан олти йил ўтиб, бу ерда қурилган янги кўп қаватли уйларда ҳамкасбларимнинг набиралари, абиралари яшай бошлаган. Бу ердаги ўзгаришлар, қурилишлар ҳаммамизни бирдек қувонтиради. Кўп миллатли жамоамизнинг чеккан захмати зое кетмаганиға амин бўламан. Дарҳақиқат, биз халқ учун беминаат меҳнат қилган эдик, эндиликда янги авлод вакиллари Ватан учун, халқ учун, дўстлик учун камарбаста бўлмоқда. Бу кунларни қўриш бахтиға етказганиға шукр!



Барқарор ривожланиш омили

Рамал МИРЗОЕВ,
Самарқанд вилояти озарбайжон
миллий маданий маркази раиси:

— Бугунги Ўзбекистон адолатли, тинч ва барқарор жамият қуриш йўлида ишонч билан олға бормоқда. Бу жараёнда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири миллатлараро тотувликни таъминлаш, бағрикенгликни мустаҳкамлаш ва фуқаролар ҳамжиҳатлигини шакллантиришдир.

Миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш фақат ижтимоий эҳтиёж эмас, балки мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун стратегик ресурс сифатида қаралади.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи, улар ўртасидаги дўстликнинг барқарорлиги — бу давлатимизнинг бойлиги ва кучи. Мамлакатимиз раҳбариятининг оқилона сиёсати туфайли 130 дан ортиқ миллат ҳамда элат вакилларининг тинч-тотув ҳаёти таъминланмоқда ва ҳар бири юртимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Самарқанд вилоятида 10 дан ортиқ миллий маданий марказлар рўйхатдан ўтган. Улар миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ҳояларини тарғиб қилиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Самарқанд вилояти озарбайжон миллий маданий маркази мазкур жараёнда фаол иштирок этмоқда.

Бизнинг марказ фаолияти озарбайжон халқининг маданий меросини асраш ва ривожлантириш, шунингдек, миллатлараро мулоқотни илгари суриш, ўсиб келаётган авлодни Ўзбекистонда яшаётган барча халқларнинг урф-одатларига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган. Биз маданий-маърифий тадбирлар, ёшлар форумлари, мулоқот майдонлари ташкил этамиз, бу эса инсонлар ўртасида яқинлик ва ишончни мустаҳкамлашға хизмат қилади.

Ривожланиш ижтимоий барқарорлик пойдеворисиз амалга ошмайди. Миллатлараро тотувлик — бу бирлик ва яратувчанлик гаровидир. Ўзбекистон турли миллат вакилларининг биргаликдаги ҳаёти ва фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйган давлат сифатида дунёға намуна бўла олади.

Осуда ва фаровон юртга байрамлар ярашади

Тоҳир КОПАДЗЕ,
Фарғона вилояти турк миллий
маданий маркази раиси:

— Айни пайтда Фарғона вилоятида 1,5 минг нафар турк миллатига мансуб ватандош тўқис, бахтли умргузаронлик қилиб келмоқда. Тарихий илдиэларимиз бир бўлгани боис миллий қадрият ва аъналар, байрамларимиз ўзаро уйғун. Хусусан, Наврўз сайиллари, Ҳайит байрами удумлари қардош халқларнинг энг эзгу фазилатларини намоён этади.

Фарғона шаҳрида очилган «Дўстлик уйи»да турк миллий маданий маркази учун ҳам барча замонавий шароитға эга хоналар ажратилган. Тадбирларда фойдаланиш учун шинам автомашина берилган. Бу ерда жойлашган 8 та миллий маданий марказ билан аҳил-инокимиз. Байрамлар ва яхши-ёмон кунларимиз бир-биримизсиз ўтмайди. Хуллас, янги Ўзбекистонни бунёд этишда мушарраф мақсад йўлида бир оила аъзоларидек яшаб келаётганимиздан беҳад бахтиёримиз.

Миллий маданий марказ қошида болалар ҳаваскорлик бадийий ансамбли, ёшларни касб-хунарга ўргатиш, спорт тўғаракла-

ри ишлаб турибди. Юрт байрамларида миллий кўй-қўшиқларимиздан ижро этамиз, пишириқлар, хунарандчилик маҳсулотлари намойиш қилинади. Фаол аъзоларимиз, фахрийлар бу борада ҳамisha янги авлодға ибрат кўрсади.

Бизнинг оилада ҳам барчамиз ўзбек тилида жуда раван гаплашамиз. Айниқса, кўча-кўйда футбол муҳлисари билан мириқиб суҳбатлашамиз. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи бўлган ўғлим Темур Копадзе бошчилигида футболчиларимизнинг жаҳон чемпионатиға чиққани Фарғонада унутилмас байрам бўлди.

Мамлакатимизда ҳар йили катта тантана сифатида нишонланадиган Халқлар дўстлиги кuni бизнинг энг сеvimли байрамларимиздан бири ҳисобланади. Бу кун том маънода тинчлик, дорилламон кунларнинг қадриға етиш, қардошлик оиласида ҳаёт завқидан яйраб-яшнаб яшашни чин дилдан ҳис этишни ўргатувчи байрамдир.

Албатта, тинч ва фаровон юртға байрамлар ярашади. Сеvimли диёримизда бундай шукўҳли байрамлар бардавом бўлаверсин.



Шу элга таъзимдаман

Татьяна ШИТЦ (Жиззах вилояти):
— Менинг отам немис, онам рус миллатига мансуб эди. Мен шу ерда, қуёшли Ўзбекистонда туғилганман. Шу сабабли ҳам бутун умрим ўзбек, рус, қирғизлар орасида ўтган. Қўшничилик, инсонгарчилик, меҳр-оқибат — булар миллат танламайдиган қадриятлар эканини шу юртда англадим.

Ўзбек қўшниларимнинг ҳар бир тўйи, маъракаси мен учун катта байрам ҳисобланади. Ўша учрашувлардаги ҳазил-хузул, самимий, ҳеч қандай тамасиз муҳит, дастурхонга қўйилган меҳр (мен бу соҳоватли заминда етиштирилган ноз-неъматларни шундай атайман) қалбимда ўзгача из қолдирди.



ган. Қўшниларимиз фарзандларимни ўз боласидек кўришади, фарзандларим ҳам ўзбек дўстлари билан бир товоқда таом еб, ўзбекчасига айтганда, “бир қозонда қайнаб” улғайишди.

Менинг иш фаолиятим, асосан, энергетика билан боғлиқ. Кўп йиллар мобайнида статистика бошқармаси, қурилиш, турли ишлаб чиқариш корхоналарида, коммунал хизмат соҳаларида ишлаганман. Қарерда ишламай, ҳар бир қадрдон жамоамда, асосан, ўзбек, рус ва қирғизлар билан елкадош бўлдим. Турли миллат вакиллари бир оиладек ахил яшаши мумкинлигига мен ўз ҳаётим мисолида амин бўлдим.

Бугун ўтган умримга шукрона келтираман. Негаки, бу юртда тинчлик бор, бағрикенглик мавжуд, миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат шаклланган.

Биламан, агар эртага маҳалламда тўй бўлса, қўшниларим мени яна албатта меҳр билан чорлашади. Бу — энг катта бойлик, улкан бахт эмасми?!

Мен бутун мамлакатимиздаги турли миллат вакиллариининг бу заминда қандай иннок, тотув ва тинч яшаб келаётганини мухтасар ифода этадиган бўлсам, халқлар дўстлиги — фақат оддийгина сўз ёки баландпарвоз шior эмас, бу бир-бирининг дардига қулоқ тутадиган қўшничилик, меҳр билан тўлиб тошган дастурхон, бирга ўтказилган байрамлар ва самимий сўзлар орқали ифода топадиган ҳаёт ҳақиқатидир.

Бошқаларни билмадим, ҳар ҳолда мен шундай ўйлайман.



Суратлар “Халқ сўзи” архивидан.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Обиджон НОСИРОВ, Андижон вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси:
— Ўзбекистон — кўп миллатли, кўп маданиятли жамият. Унинг ҳар бир ҳудудида турли миллат вакиллари биродарларча, ахил-иннок ҳаёт кечирмоқда. Жумладан, қирғиз миллатига мансуб фуқаролар ҳам ана шундай тинч ва осойишта ҳаётни ҳар кун и ҳис этиб яшаймиз.

Бугунги кунда республикаимиздаги мавжуд қирғиз миллатининг 50 фоиз қисми Андижон вилоятида истиқомат қилади. Айни пайтда уларнинг сони 150 минг нафардан зиёд. Улар, асосан, Марҳамат, Булоқбоши, Ҳўжаобод, Жалалқудуқ, Қўрғонтепа туманлари ва Ҳонобод шаҳрида яшашади. Ҳар қайси ҳудудда ҳам бизга инсонбан самимий муносабат, меҳр ва ҳурмат бор. Бу эса Ватанимизнинг бағри қанчалик кенг эканини яна бир бор исботлайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда қирғиз миллати маданияти, анъаналари, урф-одатларини асраш, ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилади. Айниқса, она тилимизга бўлган

эътибор аҳамиятлидир. Шу боис вилоятдаги 23 та мактабда қирғиз тилида таълим берилмоқда. Ёшлар Андижон давлат педагогика институтида қирғиз тили ва адабиёти йўналишида олий таълим олиш имконига эга. Шунингдек, Қирғизистондаги Ўш давлат университети, Жалолобод фуқаролик ташаббуслар марказлари билан доимий ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Биз мана шу Ватанда туғилдик, у бизнинг олтин бешигимиз. Шу боис мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш фуқаролик бурчимиздир. Бу борада миллатдошларимизнинг фаолияти ибратли. Мамлакат раҳбарияти томонидан меҳнати эътироф этилган, давлат мукофотларига сазовор бўлган 20 га яқин ватандошларимиз орасида ҳар хил касб эгалари — ўқитувчи, шифокор, ишбилармон ва хунармандлар бор. Буларнинг барчаси юртга муҳаббат ифодасидир.

Қисқача айтганда, биз қайси миллат вакили бўлишимиздан қатъи назар, Ўзбекистон — умумий уйимиз. Халқлар ўртасидаги дўстлик туйғуси эса энг катта бойлигимиз ҳисобланади.

Умид ва имкониятлар диёри

Зармина СОДАТ (Афғонистон):
— Мендан Ўзбекистон ҳақида сўрасалар, ҳайрат билан айтманки, бу юрт умид ва имкониятлар маконидир. Термиздаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш марказида таълим олган пайтимида, энг муҳими — миллатлараро дўстлик, тотувлик ва биродарлик муҳитини кўриб, чексиз ҳайратга тушдим. Бу ерда ҳеч ким ўзини қалонга ҳис этмайди. Ҳар бир инсон беклибда бирдамлик ва биродарлик ришталари бор.

Ўзбекистонда турли миллат вакиллари бир оиладек яшайди. Улар бир-бирларининг урф-одатларига, маданиятига, тилига ва динига чўқур ҳурмат билан қарашади. Миллат вакиллари ўзлигини сақлашга ва ривожлантиришга интилади, бу йўлда ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Аксинча, давлат бу соҳада қулай шарт-шароитлар яратган. Бундай тотувлик ва ҳамжиҳатлик ҳолати дунёда жуда ҳам учрайдиган беқиёс неъматдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсатида энг асосий ўринини эгаллаган миллатлараро тотувлик ва қўшничилик ғояси Ўзбекистонни янада обод ва тараққий этган мамлакатга айландирди.

тирмоқда. Миллатидан қатъи назар, ҳар бир инсон ушбу она Ватанининг равнақи йўлида садоқат билан меҳнат қилмоқда.

Ўзбек ва афғон миллатлари азал-азалдан тарихий, маданий ва қон-қардошлик ришталари билан боғланган дўст халқлардир. Бугун эса бу азалий қардошлик янада мустаҳкамланмоқда, янги мазмун касб этиб, икки халқ ўртасидаги тарихий дўстлик юқори босқичга чиқмоқда. Олий мақсадлар халқларимиз қалбини янада бирлаштирмоқда.

Биз — ўзбек ва афғон ёшлари, эзгу қадриятлар ва умумий орзулар йўлида жипслашиб, келажакни бирга қуришга интиламиз. Бу дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳи бизга куч-қудрат беради, янги Ўзбекистон ва янги Афғонистоннинг тинчлиги ва тараққиёти учун йўл очади.

Шунинг учун ҳам бугунги Халқлар дўстлиги кун и биз учун катта аҳамиятга эга. У бир-биримизга бўлган ҳурмат ва муҳаббатни янада мустаҳкамлашга даъватдир. Биз биргаликда янада кучли, бирдам ва фаровон жамият қуришга тайёриймиз.

Руҳлантирувчи куч

Наталья ЧОПАНШВИЛИ, Бухоро вилояти рус миллий маданий маркази раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби:
— Юртимизда ўтказиб келинаётган Халқлар дўстлиги кунини ҳар йили катта хурсандчилик билан кутиб оламиз. Бу меҳр ва эътибор, тинчлик ва фаровонликнинг яққол ифодасидир. Халқлар дўстлиги шунчаки байрам эмас, балки ҳар бир фуқаро қалбидagi азиз туйғу ҳам. Биз миллатимиздан қатъи назар, битта халқни ташкил этамиз, тинчликни ҳам, ҳамжиҳатликни ҳам бирга асраймиз.

Юртимизда дўстлик, тотувлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борган меҳнатларим юксак баҳоланиб, мени “Дўстлик” ордени билан тақдирлашганидан жуда ҳам мамнунман. Бу менинг ҳаётимдаги энг қимматли ва унутилмас мукофот бўлди. Мукофот орқали нафақат ўзим, балки бутун маданий марказимиз фаолияти эътироф этилди, десам, адашмаган бўламан. Шу эътиборини кўриб Ўзбекистон фуқароси эканимдан янада фахрланиб кетаман.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда

да сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар, турли миллат ва элат вакиллариининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини асраб-авайлаш, шунингдек, барчага тенг имкониятлар яратиш бўйича бажарилган ишлар ҳақда ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бу эса Президентимиз раҳбарлигида халқлар дўстлиги, миллатлараро бирдамлик ва юртимиздаги барқарорликни янада мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишларга баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшишга руҳлантиради.

Азалий қадриятларга содиқлик тимсоли

Мангуберди КУРБАНОВ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Кашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси Миришкор тумани бўлими бошлиғи:
— Дунёда тинчлик неъматидан, ўзаро дўстлик туйғусидан азиз бойлик йўқ. Жаҳонда кўриб-билиб турибмиз: миллатлар, халқлар ўртасидаги ўзаро тушунмовчилик, ғайирлик, кўролмаслик, душманлик сабаб қанча-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилмоқда, ҳаёти заво л топяпти. Бу эса тараққиётга, умуминсоний қадриятлар ривожига тўсиқ бўляпти.

Шуқри, жонажон Ватанимизда миллатлараро тотувлик, дўстлик туйғусини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Конституцияимизда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривож-

ланиши учун шароит яратиши белгиланган. Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, этноқи, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдаида тенглиги қайд этилган.

Бунинг амалий тасдиғини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида англаймиз. Шу маънода, юртимизда ўзбек ва туркман халқлари орасида ҳеч қандай беғоналик, ётсираш кўзга ташланмайди. Улар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик халқ достонлари, эртақларимиз, афсонаю асотирларимизда ҳам ўз аксини топган. Зотан, тарихдан бир ҳудудда яшаб, қўни-қўшни, оға-ини, куда-андачилик алоқаларини йўлга қўйган халқларимиз бугунги дориламон замонда ҳам азалий қадриятларга содиқ қолган. Тили, маданияти, урф-одат ва анъаналари деярли бир хил бўлган бу икки халқни бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди.

Тиллодан-да бебаҳо хазинамиз

Тўхтамисх БОҚИЕВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси (Сирдарё вилояти):
— Жонажон Ўзбекистонимизнинг бойликлари кўп. Заминимизда олтин қумуш каби кўплаб маъданлар ҳамда фойдалари табиий ашёлар мавжуд. Аммо яна бир бойлигимиз борки, у ҳар қандай тиллою жавоҳирдан қиммат, бебаҳодир. У ҳам бўлса, шу азиз Ватанимизда яшаётган турли миллатлар вакиллари ўртасидаги бутун дунё хавас қилаётган ҳамжиҳатлик, ахиллиқдир. Ҳа, халқлар дўстлиги деб аталмиш бу тенгсиз хазинамиз билан ҳар қанча фахрлансак, керак бўлса, қанча мақтансак арзийди.

Ана шу ҳар доим гуллаб-яшнаб турадиган ахиллик богимизда

ўзбек — тожик дўстлиги деб аталмиш бир ажиб гулшан борки, бу чаманнинг тарихи жуда узок. Бунга мисол сифатида ўша дўстлик богимизга улуг аждодларимиз Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳазратлари экиб кетган, доимо яшнаб турувчи — абдий дўстлик дарахтларини келтиришнинг ўзи кифоя.

Қувонарлиси, бугунги кунда азалдан дўст, биродар икки миллат, икки халқ ўртасидаги ҳамжиҳатлик, қон-қардошлик ришталари янада мустаҳкамланмоқда. Хусусан, бундан бир неча йиллар олдин Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси халқлари ўртасидаги ўзаро борди-келдиниинг эмин-эркин йўлга қўйилгани ҳар икки томонга ҳам олам-олам шодлик бахш этди.

Адабий-бадий, маданий-маънавий алоқаларимиз янада фаоллашмоқда. Буларнинг бари икки давлат Президентлари амалга ошираётган ўзаро дўстлигимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги сиёсатнинг самаралари, албатта.

Шу ўринда айтиш лозимки, биз, иходкорлар энг олий неъматимиз — шу азиз юртимизда яшаётган барча миллат вакиллариининг Ватанимиз ва халқимиз манфаатлари ҳамда янги Ўзбекистоннинг янада жадал тараққиёти учун ўз ҳиссаларини қўшишга астойдил, шиддиқдидан ҳаракат қилаётганини қанча мадҳ этсак, шунча кам. Зеро, ягона эзгу мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигимиз қўзлаган марраларимизни эгаллашимизда энг асосий омил бўлади.



Миллатлараро тотувлик макони

Дамира ЛАТИПОВА, Хоразм вилояти татар миллий маданий маркази раиси:
— Ўзбек ва татар халқларини тарихан таркиб топган муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Ҳар икки халқ маданияти ва санъати асрлар мобайнида бир-бирини тўлдириб, бойитиб борган. Хоразмда татар миллатига мансуб аҳоли кўп йиллардан буюн воҳадаги турли миллат вакиллари билан ҳамжиҳатликда фаровон ҳаёт кечириб келмоқда. Вилоятда истиқомат қилаётган 3,5 минг нафарга яқин татарларнинг бошқа миллат ва элат вакиллари сингари муносиб турмуш кечириши, миллий қадриятларини асраб-авайлаши, ривожлантириши, фарзандларининг таълим олиши, истеъдод ҳамда салоҳиятини кенг намоён этиши учун тенг шароит яратилган.

Бундай имкониятлардан фойдаланаётган миллатдошларимиз турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, ҳудудни иқтисодий-ижтимоий юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Кўп миллатли Ўзбекистонда тинчлик, осудаликни сақлаш ва юрт фаровонлигини таъминлашда фол иштирок этаётир.

Хоразм вилояти татар миллий маданий маркази 2006 йилда очилган бўлиб, вилоятда ўтказиладиган байрам тадбирлари, дўстлик фестиваллари ва кўрик-танловларда фол қатнашиб келади. Миллий анъана ва қадриятларимиз акс этган “Сабантуй” байрамини бошқа миллат вакиллари билан биргаликда нишонлаймиз. Марказимиз қошида татар тилини ўргатиш, миллий рақс ва пишириқлар тайёрлаш тўғраклари ишлаб турибди.

Йиллар мобайнида ўзбек халқи билан тақдир йўлларимиз тутшиб, хоразмликлар билан куда-анда бўлиб кетдик. Энди худди этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, бизни бу элдан ҳеч бир куч ажрата олмайди. Бугунги кунда юртимизда 30 дан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ахил-иноқ яшамоқда. Биз мана шундай обод, фаровон, осойишта юртда тинч-тотув умргузаронлик қилаётганимизга беҳад шукрона айтмиз.

«Халқ сўзи».



Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ВА ХАЛҚЧИЛ НОРМАЛАР

Ушбу қонун лойиҳаси озиқ-овқат бизнеси операторлари, яъни озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тай-ётлар, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш, реализация, утилизация ва йўқ қилиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда, уларнинг мажбуриятлари ва ўз навбатида, масъулиятини ҳам белгилamoқда.

Жаҳон савдо ташкилотининг талаблари ҳамда ривожланган давлатларнинг тажрибаси асосида озиқ-овқат маҳсулотининг муомаласи билан боғлиқ барча жараёни тўлиқ назорат қилиш имконини берувчи очиқ ва шайфoф озиқ-овқат операторларининг электрон реестри жорий этиляпти.

Озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилиқ муддати — “энг маъкул истемол муддати” ёки “яқуний истемол муддати” кўрсатилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Эндиликда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш жараёни илғор халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилади. Бу борадаги ортиқча бюрократик тартиблар, хусусан, ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган санитария-эпидемиология хулосаси, ветеринария гувоҳномаси ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан бериладиган мувофиқлик сертификатини мажбурий расмийлаштириш талаби бекор бўлади.

Озиқ-овқат бизнеси операторлари озиқ-овқат занжирининг барча босқичида қайдларни юритиш орқали озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда унинг таркибига киритиладиган моддалар, озиқ-овқат маҳсулотига тегиб турадиган қадоқ ва материалларнинг ҳаракатланишини аниқлаш имкониятини яратиш бўйича тизимли чоралар кўриши белгиланмоқда.

Депутатлар томонидан қонун лойиҳаси юзасидан қатор масалалар ўртага ташланди. Хусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов** қонун лойиҳасининг муҳимлигини, озиқ-овқат хавфсизлиги бу фуқаролар хавфсизлиги билан боғлиқ эканини таъкидлаб, лойиҳада муҳим бир масалага аниқлик киритилиши лозимлигини қайд этди. Яъни қонун лойиҳасида озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига берилган тушунчани янада кенгроқ баён қилиш таклиф этилди.

Қонун лойиҳасидаги айрим нормалар, хусусан, мактабга ва мактаб ёшдаги болаларга тавсия этилмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг маркетинг ва реклама маълумотлари болаларни қизқирмайдиган тарзда фойдаланиши ёки уларга қаратилган бўлмаслиги кераклигига оид модда қизгин бахсларга сабаб бўлди. Бу нормани аниқлаштириш, тадбиркорлик субъектларига ортиқча юк яратмаслик нуктаи назаридан, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, депутатлар томонидан қатор таклифлар, мулоҳазалар билдирилди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳасидаги айрим нормалар депутатлар берган таклифлардан келиб чиқиб маромига етказиладиган бўлди.

Депутатлар томонидан таклиф ва тавсиялар берилди

Мажлисида “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан ижтимоий иш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, бу иш бўйича махсус ваколатли давлат органи ҳамда унинг ваколатлари, ижтимоий ходимнинг вазифалари ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган шахслар (оилалар)нинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ижтимоий ишни ташкил этиш ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш назарда тутилаётир.

Давлат томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар (оилалар)нинг оғир вазиятдан чиқишга ва жамият ҳаётида иштирок этиши учун бошқа шахслар билан тенг бўлган имкониятларни яратишга қаратилган қафолатланган чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилab берилмоқда.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс)ни аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс) деб топиш асослари, ижтимоий хизматлар ҳамда ёрдамдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Қонун лойиҳасида ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг турлари ҳамда шакллари аниқлик киритилляпти.

Қонун лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий хизматлар ҳамда ёрдамларни кўрсатишда иштирок этиш масалалари ҳам тартибга солинмоқда.

Мажлисида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратига алоҳида эътибор қаратиш, унда назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича қатор саволларни ўртага ташлашди. Хусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Зафар Худойбердиев** қонун лойиҳасида ижтимоий иш соҳасида Вазирлар Маҳкамасига берилаётган бир қанча ваколатлар масаласига тўхталган бўлса, **мазкур фракциянинг яна бир аъзоси Шухрат Шарафутдинов** ижтимоий хизматларни кўрсатувчилар реестри тўғрисидаги нормада янги бир реестр, яъни ижтимоий хизматлар ва ёрдамдан фойдаланувчилар реестри келтирилгани, лекин бу реестрнинг ким томонидан юритилиши масаласи аниқ белгиланмаганини қайд этиб, мазкур масалаларга аниқлик киритилишини сўради.

Шунингдек, депутатлар томонидан ижти-



мой хизмат кўрсатувчилар реестри янги институт экани, уни ким ва қандай юритиши масаласи моддада аниқ очиб берилмаганилиги қайд этилиб, қонун ташаббускорларига мазкур моддани шунга мос равишда тўғрилаш талаби кўйилди. Қўмитага ушбу моддани тақомиллаштириш вазифаси берилди.

Мажлисида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилани аниқлаш механизмлари, уларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби, ижтимоий ходимга нисбатан қўйилаётган талаблар юзасидан қатор аниқлаштирувчи саволлар кўтарилди. Қонун ташаббускорлари улар юзасидан атрофлича тушунтиришлар берди.

Масъул қўмитага мажлисида билдирилган эътирозлар ва таклифлар асосида ишлаш, айрим нормаларни қайта кўриб чиқиш, тахрирлаш ҳамда тақомилига етказиш вазифаси кўйилди.

Қўшимча таълим учун имкониятлар

Қун тартибидаги навбатдаги масала — таълим хизматларини кўрсатиш соҳасини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Болаларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, тиждорат ташкилотлари маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт йўналишида мактабдан ташқари таълим фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда аксарият ўқув марказлари, ахборот-кутубхона ва соғломлаштириш муассасаларида катта ёшдагиларга ҳам таълим бериб келинмоқда. Бу эса, албатта, катта ёшдаги фуқароларнинг бундай масканларга ташриф буюришлари учун аниқ ҳуқуқий асосларни яратиш ва уларни мустаҳкамлашни талаб этапти.

Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига таълим хизматлари кўрсатиш соҳасини катта ёшдаги фуқароларнинг ҳам таълим эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонунларда “мактабдан ташқари” атамаси “қўшимча таълим”га алмаштириляётир. “Таълим тўғрисида”ги Қонунда қўшимча таълим болалар учун таълим ва катта ёшдагилар учун қўшимча таълим турларига ажратилляпти. Бунда қўшимча таълим болалар ва катта ёшдагиларнинг ихидий қобилиятларини шакллантириш ҳамда касбий қўникмаларини ривожлантиришга, интеллектуал ва жисмоний тақомиллашувга бўлган индивидуал эҳтиёжларини қондиришга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, саломатлиқни мустаҳкамлашга ва бўш вақтларни самарали ташкил этишга қаратилиши назарда тутилмоқда.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Пиротехника буюмларининг муомаласи тартибга солинмоқда

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, мулкни ҳимоя қилиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги пайтларда пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи ва улардан фойдаланиш ҳолатларининг кўпайиши, фуқаролар хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибига салбий таъсир кўрсатиб, ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳаси билан хавфли турдаги пиротехника буюмларининг муомаласига нисбатан чекловлар, пиротехника буюмларининг эркин ва чекланган муомаласи бўйича талаблар, хусусан, улардан оммавий тадбирларда, саноат ва ҳарбий мақсадларда фойдаланиш асослари белгиланмоқда.

Хавфлилик даражаси юқори бўлмаган бенгал маёқчалари, турли эффектлар беришда ишлатиладиган стол фонтанлари каби пиротехника буюмларидан фойдаланишга чеклов ўрнатилмайд.

Қонун лойиҳасида пиротехника буюмларидан ноқонуний фойдаланганлик учун белгиланган маъмурий жазо чорасини қучайтириш таклиф этиляпти.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши пиротехника воситалари муомаласи соҳасида самарали давлат назоратини ўрнатиш, улар ноқонуний айланishiнинг олдини олиш, шунинг-

дек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси кенгайтирилмоқда

Мажлисида кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, уларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш ҳамда малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари қафолатларини қучайтиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан қафолатланган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилди. Жумладан, қонунда умумий юрисдикция судларида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга шахслар тоифаси белгилab қўйилган. Бироқ кам таъминланган шахслар Конституциявий судга мурожаат қилганда, уларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш амалдаги қонунларда тартибга солинмаган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси кенгайтирилмоқда. Хусусан, кам таъминланган шахслар муайян ишда ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида Конституциявий судга мурожаат этганда, улар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишлари мумкинлиги белгиланмоқда.

Ушбу нормалар фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга, давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашга ҳамда ижтимоий давлат таъминлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари аниқлаштирилмоқда

Мажлисида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органларига тегишлилиги бўйича қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилганлиги сабабли амалдаги 9-та кодекс ва 71 қонун қайта кўриб чиқилиб, уларда назарда тутилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифа ҳамда функциялари “Қучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” таъминлиги асосида вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида қайта тақсимланмоқда.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларга ҳокимликларнинг 28 та ваколати ҳамда қонун ҳужжатларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига умумий берилган ваколатларнинг аниқлаштирилиши натижасида яна қўшимча 33 та, жами 61 ваколат ўтказилмоқда.

Хусусан, маҳаллий вакиллик органларига жойларда ривожланишининг асосий йўналишларини белгиллаш, комплекс дастурларни тасдиқлаш борасида кенг ваколатлар юклатилмоқда.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига эса қабул қилинган қонун ҳужжатлари, дастурлар ижросини таъминлаш, ижро билан боғлиқ бошқа вазифа ва функциялар белгиланаётир.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга оид долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатлари янада кенгайди ҳамда масъулият доираси аниқ белгиланади.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депу-

татлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш орқали уларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади

Мажлисида “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бандлиқни таъминлаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, даромадли меҳнат билан қафолатлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Бу борадаги ислохотлар натижасида камбағаллик даражаси қисқармоқда, фуқаролар фаровонлиги ортаётир.

Олиб борилаётган саяё-ҳаракатлар самардорлигини ошириш мақсадида қонунчиликда янги нормаларни акс эттириш зарурати юзга келяпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан амалдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, маҳаллий меҳнат органларига рўйхати тақдим этилган таъйик ва зўравонликдан жабр кўрган, тегишли билим ҳамда қўникмаларга эга бўлган хотин-қизларни давлат ташкилотларига йўлланма асосида ишга жойлаштириш кўзда тутилмоқда. Бунга “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази талабномаси асос бўлади.

Шунингдек, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари талабномаси асосида маҳаллий меҳнат органларига рўйхати тақдим этилган таъйик ҳамда зўравонликдан жабр кўрган тегишли билим ва қўникмаларга эга бўлган хотин-қизларнинг иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиниши белгиланмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратига эътибор қаратиб, унда назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига қатор саволлар берди. Хусусан, **“Миллий тиклиши” ДП фракцияси аъзоси Нодир Тилаовдиев** мазкур қонун лойиҳаси фракция ййгилишида кенг муҳокама қилинганини айтиб, таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг 34-моддасида “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази талабномаси бўйича юборилган таъйик ва зўравонликдан жабр кўрган, тегишли билим ва қўникмаларга эга хотин-қизлар давлат ташкилотларида ишга қабул қилинмаса, қонунчиликда жавобгарлик белгиланаётгани қанчалик тўғри бўлади, деган савол билан қонун ташаббускорларига юзланди. Ваҳолаанки, яқинда Президентимизни аҳоли бандлигини таъминлаш ва касбий таълим тизимидаги янги ёндашувларга оид тақдимот билан таништириш жараёнида янги режа ҳамда ташаббуслар ҳақида маълумот берилиб, меҳнат органлари иш берувчиларга нисбатан жазо қўлови эмас, балки ҳамкор сифатида фаолият юритувчи, уларга хизмат кўрсатувчи тузилмага айланиши кўзда тутилаётгани айтилганди.

Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирни ўринбосари Сирожиiddин Бобоқулов қонун лойиҳасида ушбу норма фақат давлат органлари ва ташкилотлари, яъни давлат улуси 50 фойздан юқори бўлган ташкилотлар учун белгиланаётганини маълум қилди.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Зафар Худойбердиев таъйик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ишга жойлаштиришда, яъни давлат ташкилотларида таллов асосида қабул қилинадиган бошқарув лавозимларига уларни тавсия этиш бошқа қонун ҳужжатларига зид эмаси, деган саволни ўртага ташлади.

Қонун ташаббускорлари, мутасаддилар кўтарилган масалалар бўйича батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Каттакўрғон шахри ҳудуди кенгайтирилмоқда

Мажлисида “Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шахри, Каттакўрғон ва Нуробод туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида”ги Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шахри ҳудудини кенгайтириш орқали ўрта шаҳарлар тоифасидан катта шаҳарлар тоифасига ўтказилиши, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли-

нинг ўсиб боришини инобатга олган ҳолда қулай шароитлар яратиш, янги инфратузилма объектлари ҳамда кўп қаватли тураржой комплекслари барпо этиш белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг таклифига асосан, Каттакўрғон туманидан 1 945 гектар, Нуробод туманидан 971 гектар ер майдони Каттакўрғон шахри таркибига ҳамда Каттакўрғон туманидан 600 гектар ер майдони Каттакўрғон тумани таркибига ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Ушбу чегаралар ўзгартирилиши натижасида янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилади. Хусусан, 50 гектар майдонда “Ургут” эркин иқтисодий саноат зонаси филиали, шунингдек, 30 гектар майдонда 3 та кичик саноат зонаси очилиши кўзда тутилган.

Худудда 2030 йилга бориб, саноат корхоналарининг сонини 332 тадан 500 тага етказиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қарийб икки баробар ўсишини таъминлаш режа қилинган. Аҳоли жон бошига эса саноат маҳсулотлари ҳажми 1,5 марта ортиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудда хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналар сонини 981 дан 1 285 тага етказиш ҳисобига жами хизматлар ҳажми 1,8 баробар ўсиши, 2030 йилга бориб хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналар сонини 3 мингтага етказиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Каттакўрғон шахрида жами 71 млн. долларлик инвестициялар ўзлаштирилиши, экспорт салоҳияти кенгайтирилиб 65 млн. долларга етказилиши ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот етиштириш бўйича қўшилган қиймат занжирини яратиш борасида бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгилангани ташаббускорлар томонидан айтиб ўтилди.

Бу ўзгаришлар ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, истиқболли режаларни белгиллаш, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, ҳудуд инфратузилмасини яратиш, шунингдек, янги ҳудудда белгиланган талаблар доирасида ижтимоий соҳа, маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилишини ташкил этиш ҳамда шу орқали янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Мажлисида чегараларга ўзгартиришлар киритиш масаласи тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари, шунингдек, халқ депутатлари Каттакўрғон шахар, Каттакўрғон ва Нуробод туманлари Кенгашлари ҳамда вилоят Кенгашида муҳокама қилиниб, чегараларнинг картографик чизмаси ва чегаралар чизигининг таснифи маъқуллангани қайд этилди.

Шунингдек, қарор лойиҳасида ҳудуднинг чегараларини ўзгартириш ва унда белгиланган вазифаларни тизимли бажариш мақсадида Ҳукуматга комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш юклатилди.

Қарор лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Атроф-муҳит ва ўсимлик дунёси муҳофазаси

Мажлисида атроф-муҳит ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини қучайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан “Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Чикиндилар тўғрисида”ги қонунларга, Жиноят ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қўшимча ва ўзгартаришлар киритилмоқда.

Хусусан, автоматик мониторинг станциялар маълумотларини ягона геоахборот маълумотлар базасига реал вақт режимида киритишни таъминлаш назарда тутиляпти. Бу фуқароларнинг атроф-муҳит ҳақида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини қафолатлайди.

Қонун лойиҳасида экология ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораларини қучайтириш назарда тутилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар ўртага ташланди. Жумладан, **ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвархон Темиров** лойиҳадаги айрим масалаларга тўхталиб, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қўллаб моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиляётганига эътироз билдирди. Унинг фикрича, масалани жаримани кўтариш билан ҳал қилиб бўлмайди. Энг аввало, атроф-муҳит тозаллигини сақлаш учун зарур чора-тадбирлар кўриш керак. Мақсад қонун лойиҳасида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўлгандан кейин, биринчи навбатда, шунга мос бўлган ишларни бажариш керак. Мисол учун, дарё ўзаналари ёки бошқа жойдаги дарахтларни буталаш бўйича маъмурий жавобгарлик ҳам белгиланмоқда. Тасаввур қилинг, болалар ўша канал ёки сой бўйларида ўйнайди. Одамлар ўз хоҳиши ёки мажбуригидан буталарни олиб ташлайди. Илоҳсизликдан — фарзандлари хавфсизлиги учун шундай қилади. Бошқа томондан эса фуқароларнинг маъмурий жавобгарлигини белгиллаш орқали уларни тартибга қачирмоқчи бўляпмиз. Яна бир муҳим масала чиқиндилар билан боғлиқдир. Тўғри, чиқинди ўз вақтида олиб кетилмаса, маъмурий, керак бўлса жиний жавобгарлик ҳам қўлланилиши керак, фақат фуқарога эмас.

Қонун ташаббускорлари кўтарилган масала юзасидан атрофлича изох бериб ўтишди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

САША
ТОҒА

2022 йилнинг август ойида эски уйни сотиб, оиламиз билан кўп қаватли уйлاردан бирига кўчдик. Қўни-қўшнилари бегона, ҳеч кимни танимаймиз. Қарасам, бир кекса киши бизга тегишли майдончани тозалаяпти.

— Ваалейкум ассалом, — деди у менинг саломимга алиқ олар экан. — Исми Саша, қўшнилари “Саша тоға” дейишади, — қўшиб қўйди кулиб.

— Хўп, Саша тоға! Қани, иссиқ чойдан ичинг, — дедим чой ва қанд олиб чиққан болалар қўлидан чойнак-пиёлани олар эканман.

— Ўзбекнинг шу тақаллуфи менга ёқади. 78 йил бўлди, Ўзбекистонда яшайман. Қаерда бўлмасин, ўзбекнинг бир пиёла чойи-ю, бир тақсим қанди бор...

— 78 йилдан буён... — сўрадим ҳайратланиб.

— Ҳа, нима деб ўйлагандинг, 81 ёшдаман...

— Қойил, лекин, кўз тегмасин, ўхшамай-сиз!

— Ўзбекистонда қаримайсан-да, одам, бу ер яхши, — деди яна кулиб, сўзида давом этди, — бориға шукр, Ўзбекистоннинг. Менга Ватанлик қилди!

Саша тоға бирдан маънос тортди. Қайноқ чойни ҳўплаб-ҳўплаб ичарди.

— Лекин ташлаб кетгим йўқ... аммо, болаларим қўярда-қўймай олиб кетишяпти...

— Нега?

— Асли Россиянинг Хабаровск ўлкасида туғилганман. 1941 йилда — айнаи уруш бошланганда. Отам урушда ўлиб кетган. Мени онам билан 1944 йилда поезд орқали жўнатишган. Элас-элас эслайман, бир хотиралар ҳам ўчиб кетган... Фақат бор-икки “картина” қолган бу қари Саша тоғанда. Отамнинг юз тусилишини эслолмайман-у, кейин жудаям шовқин-суронда мени онамга қўшиб, поездга чиқаришгани... бўлди, бошқа ҳеч нарсани эслолмайман.

Келгуси ойда кетаман. Бу ерда онамнинг, аёлимнинг қабри бор. Уларни ташлаб кетгим йўқ. Аммо нима қилай, иложим қанча? Болалар мени олиб кетишгач, кейин ўзларини келиб, онасию бувисининг қабридан хабар олишадими, йўқми? — қўзларидан билнар-билинимас ёш сизиб чиқди...

— Хабар олишади, ахир улар Ўзбекистонда улғайишган-ку!

11 сентябрь кuni Саша тоғани кузатиб қўйиш учун қўни-қўшнилари кўчага чиқдик ва хайрлашдик.

— Сиз бизга қўнғироқ қилишга, касал бўлмасликка ваъда беринг! — дедик қўзларимизда ёш айланса-да, сездирмасликка ҳаракат қилиб.

— Ваъда, ваъда, — деди отахон...

Саша тоғанинг телефониани анча кутдик. Аммо дарак бўлмади.

Бир кун тунда, телефон жиринглади.

— Саша тоға, сизмисиз? — дедим.

— Тандингми, қизинка?!

— Сиздан хавотирдамиз...

Телефон гўшагида бироз сукут бўлди, кейин хирагина товушда:

— Об-ҳавосини ёшим кўтармади. Ўзбекистондан қайтган куним, депсиниб йўқилдим. Ўшандан бери тўшақда ётибман. Хали оёққа турганим йўқ...

Унинг томоғига бир нима тикилгандай жим бўлиб қолди, кейин чуқур “ух” тортиб, ҳўсинди...

Телефон гўшаги қисқа-қисқа “дуд-дуд”-лади... Шу энг охириги сўзи эди...

Орадан икки йил ўтди. Яқинда унинг ўғли Сергей аёли билан Бухорога — онаси ва бувисининг қабри зиёратига келишди.

— Ўшанда отамни олиб кетмасак бўлар экан. Ўзбекистон отам учун Ватан экан. Чунки онаси шу заминда дафн этилган. У онасидан айрилишни истамасан. Биз эса унинг раъйига қарши бордик, шунинг учун у оламни эрта тарк этди, — деди Сергей кўз ёшларини тўхтата олмай...

Шу сўхбатдан сўнг Она ва Ватан битта тушунча эканми яна бир қарра амин бўлдик.

Лайло ҲАЙИТОВА.

ТАЪСИРЧАН ТАСВИРЛАРДА
ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТ

Сўз — илоҳий неъмат. Унинг қудрати, таъсир кучи шунчалик улканки, битта сўз билан инсонни шод этиш ҳам, унинг ҳаётини барбод қилиш ҳам мумкин. Яхши сўзнинг сеҳри шундай: у кўнгилларга нур бўлиб қиради, қуёш бўлиб ёритади. Ёмон сўз зулмат каби дилни қоронғи, қалбни вайрон этади. Мутафаккир шоир бобомиз Алишер Навоий сўзни кўнгил дуржи ичра гуҳарга, башар гулшанида самарга қиёс қилади ва шундай дейди:

**Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ, йўқ ондин.**

Мушоҳада

Шу маънода, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси фаолияти, асосан, “гуҳари шариф” бўлган сўз ва тасвирийнинг бебаҳо қудратини намойён этиш билан боғлиқлиги зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Тасвирий тарғибот ишларини тўғри ташкил этиш ва сўзларни жой-жойида қўллаш эвазига бутун бошли авлодларнинг дунёқараши ўзгаради, улар ўтаётган давр воқеяларини, замон руҳини англаб, ўзи учун тегишли хулоса чиқаради.

“Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси бирор маҳсулотни кўз-кўз қилмайди. Биз эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амални гўзал сурат ва сийратда оммага кўрсатамиз. Уларнинг қалбларга жойлашиши, тафаккурга сингиб қолиши учун курашамиз. Уюшмамизнинг тарғибот ишлари ёшларни ҳар томонлама етук, чуқур билимли, ахлоқ-одобли қилиб тарбиялашга қаратилади. Бу ишда сохтакорлик, кўзбўямачилик кетмайди, одамларни дарров ўзидан бездиради.

Аҳоли ҳажум бўладиган жойларда ўрнатилган тасвирий тарғибот воситаларида ислохотлар жараёнида фидойилик кўрсатаётган инсонлар, халқаро миқёсда мамлакатимиз шафони юксаликка кўтараётган илм-фан, спорт ва санъат намояндалари, турли соҳалардаги фидойи ёшлар акс эттирилмоқда.

Ижодий уюшма фаолияти жамият учун қай даражада муҳим?

Қаранг, бугун дунё давлатлари ўртасида тобора кенгайиб

бораётган ўзаро қарама-қаршиликлар, урушлар, босқинчилик сиёсатлари кундан-кун хавотирли тус олмақда. Ана шундай бир пайтда терроризм ва экстремизмнинг мудҳиш қиёфаси интернет деб

тиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта аҳамият берилади. Бу сармоя жамиятга бир неча баробар микдорда фойда келтиради.

Ўзбекистонда ҳам бола туғилгандан уни 30 ёшгача бўлган даврда ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхши ва узлуксиз тизим яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юртимизда мутлақо янгича шакл ва мазмундаги мактаб ҳамда мактабгача таълим, Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган таълим даргоҳлари тизими яратилди, олийгоҳлар та-

сезмаган ҳолда тасвирий тарғибот ширларини эслайди, яхшиликка ундовчи фикрларга риоя қилади.

Биз жамоат жойларида турли кўринишда намойиш этаётган ҳикматли сўзлар, шоирлар, давлат арбоблари ҳамда буюк алломаларимиздан иқтибослар ёшларни кўриш ва англаш воситасида тарбиялашга хизмат қилляпти. Кучли мантиққа эга бу доно сўзлар ёшларни билимли, дунёқараши кенг, ота-онани эъзозлайдиган, катталарни ҳурмат, кичикларни иззатлайдиган, ўз ишига меҳнат-севарлик билан ёндашадиган, ҳалол ва пок бўлишга даъват этади. Хар ишининг кўзини билиб, ўз вақтида, масъулият билан бажаришга чорлайди. Яхши билан ёмонни, дўст билан душмани, оқ билан қорани ажрата билишга ундайди. Дўстлик, бирлик, меҳр-муҳаббатни, миллатимизга, халқимизга меҳрибон ва ғамхўр бўлиш фазилатини улуғлайди. Ҳақ ва адолатни юксак даражага кўтариш, мард ҳамда ботир бўлишга чақиради. Ватанни ёвлардан қўриқлаб, жангда жонни ҳам аямай, мардона курашшининг муқаддас ва шарафли вазифа эканини тараннум этади.

XXI аср — техника-технологиялар замони. Ҳозирги даврда тасвирий воситаларни тайёрлаш ва уларни тарғиб қилишда инновацион қурилмалар, сунъий интеллект воситаларидан фойдаланиш долзарб вазифалардан бири. Бугунги имкониятларни тўғри қўлланган ҳолда фото, тасвирларни қайта ишлаш, ҳикмат ва иқтибосларнинг мазмун-моҳиятини ёрқин кўриниш ҳамда безаклар билан акс эттириш бўйича ижодий изланишлар олиб боришимиз тарғибот маҳсулотининг сифатли бўлишини кафолатлайди. Шундагина жамият ҳаётида олийжаноб фазилатларни улуғлайдиган, юрт тараққиётига хизмат қиладиган маънавий-маърифий, тасвирий тарғиботнинг таъсирчанлиги ҳамда аҳамиятини янада оширишга эриша оламиз.

Бугун мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимиз-

момила янги, кредит-модуль тизимига ўтказилди.

Шу билан бирга, инсон ҳаётдан, кўча-кўйда кўрганларидан ҳам ўрганади, сабоқ олади, хулоса чиқаради. Бу борада тасвирий воситаларнинг аҳамияти катта.

Донишманд боболаримиз “Минг марта эшитгандан бир бора кўрган афзал”, дея бежиз таъкидламаган. Бинобарин, бир қараганди, катта кўча четиға ўрнатилган, гўёки аҳамияти йўқдай турган баннер, LED экранларда намойён бўладиган тасвирий тарғибот воситалари, хоҳлаймизми-йўқми, инсонга гайришуурий таъсир ўтказди, онг ости хотирасига сингиб қолади. Баъзан бирор иш билан шуғулланмоқчи бўлган инсон ўзи

НАМАНГАНДА

Мебелсозлар «Тараққиёт»да жамланди

Янги Наманган туманида фаолият кўрсатаётган “Тараққиёт” кичик саноат зонасида ҳунармандлар учун замонавий ишлаб чиқариш инфратузилмаси яратилиб, моҳир усталар бир жойга жам бўлмоқда.

Бу масканда ўз бизнесини йўлга қўйган ишбилармонлар орасида яқка тартибдаги табиркор Хайрулло Охунов ҳам бор. У 8 млрд. сўм қийматдаги лойиҳани муваффақиятли амалга ошириб, 35 нафар мебелсозни бирлаштирган ҳолда юқори сифатли эшик ва ромлар тайёрламоқда.

— Ўн гектар майдонни эгаллаган кичик саноат зонасида ҳаммаси бўлиб 202,5 млрд. сўм қийматдаги 37 та лойиҳани жойлаштириш режалаштирилган, — дейди туман ҳоки-

ми ўринбосари Муҳаммаджон Жамолитдинов.

— Ҳозирга қадар уларнинг 9 таси ишга туширилди. Лойиҳалар якунига етган, бу ерда 4 минг киши учун доимий иш ўрни яратилади.

Табиркорларга қулай майдон бўлиб хизмат қилаётган “Тараққиёт”нинг қамрови янада кенгайдиган бўлди. Яқинда бу ерда сервис йўналиши ҳам йўлга қўйилиб, 2 гектар майдонда автомобилларга хизмат кўрсатувчи марказ қурилишига киришилди.

«Дилшод» ансамбли Руминияга боради

Тўрақўрғон тумани маданият бўлими қoшида фаолият юритаётган “Дилшод” ашула ва рақс халқ ансамблининг довруги мамлакатдан ташқарига ҳам ёйилмоқда.

Ушбу ансамбль жамоаси ўтган ойнинг охириги ҳафтасида Қирғиз Республикасининг Исиккўл шаҳрида ўтказилган “Дунё халқлари дўстлиги — 2025” халқаро танловида биринчи ўринни эгаллаб, жорий йил сентябрда Руминияда бўлиб ўтадиган халқаро

Мақтаб ўқувчисининг харидоргир сўзаналари

Миллий амалий санъатимизнинг ёрқин намунаси ҳисобланган сўзана жозибдор нақшлари, камалакдек жипола-нувчи ранглари билан ҳар қандай кишини ўзига ром этади. Болалигидан ушбу санъатга меҳр қўйган Наманган шаҳридаги 29-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Санобар Иномова тикаётган маҳсулотларга Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон каби мамлакатлардан ҳам харидорлар бор.

— Сўзана тикиш сабр, қунт ва катта иштиёқни талаб этувчи жараён, — дейди ёш каштадўз. — Ҳақиқий ипақдан тикиладиган ҳар бир маҳсулотни тайёрлашга ўн кундан 1 ойгача вақт кетади. Ундаги ҳар бир гул, ҳар бир рангнинг ўз маъноси бўлиб, алоҳида эътиборни талаб қиладди.

Моҳир каштачининг маҳсулотлари сотувидан тушаётган маблағ бир ойда 10 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ (Қалқ сўзи).

Фермер микроГЭС қурди

Хоразм вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида кичик қувватли, экологик тоза энергия манбалари қурилиб ишга туширилмоқда. Ана шундай инновацион лойиҳалардан бири Гурлан туманидаги “Йўлдош шайх ўғиллари” фермер хўжалигида амалиётга таъбиқ этилди.

Бунёдкорлик

— Хўжалигимиз ҳудудидан “Шанғи” коллектори оқиб ўтади, — дейди фермер Муродбек Нурметов. — Ўрган давлат университети олимлари билан ҳамкорликда қувват 10 кВт бўлган микроГЭС қурилмасини ишга туширдик. МикроГЭСнинг қуёш панелидан афзаллик томони фақат кундузи эмас, кечаси ҳам электр энергияси олиш мумкин. Чунки коллекторда сўзнининг 24 соати давомида сув оқиб туради. Илгари электр энергияси учун йилга ўртача 120 — 130 млн. сўм маблағ сарфлар эдик. Эндиликда шу маблағ хўжалигимиз ихтиёрида қоладиган бўлди.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 мартда қабул қилинган “Республика ҳудудларида микро гидроэлектр станциялари тармоғини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жорий йилда Хоразм вилоятида жами қуввати 920 кВт бўлган 110 та шундай станцияни қуриш кўзда тутилган.

Одилбек ОДАМБОВ (Қалқ сўзи).



Қирғизистоннинг Чўлпонота шахрида шахмат бўйича 18 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳoси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқат маълумотларини юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қoшибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.

Мусахҳис — Ш. Машраббoев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.06 Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5 6